

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
14 октябрь
ЯКШАНБА

№ 82 (13135)

www.thtp.uz

БАРЧА СОҲАЛАР ҚАТОРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАМ ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, пахта йиғим-теримининг бориши билан танишиш мақсадида Тошкент вилояти Бўка туманидаги "Валихон ота" фермер хўжалигига ташриф буюрди.

Жорий йилда об-ҳавонинг ноқулай келиши деҳқонларимизга бир қатор қийинчиликлар туғдирди. Айниқса, баҳор фаслида ёғингарчилик кам бўлгани сабабли чигит экишда кечикишлар кузатилди.

Деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ғўза парваришидаги қолоқликни бартараф этиш мақсадида давлатимиз томонидан фермерларга барча зарур шароитлар яратиб, қўшимча агротехник тадбирлар ўтказиш учун моддий-ресурслар зарур миқдорда ва ўз вақтида етказиб берилди.

Тошкент вилоятида бу йил 75 минг 800 гектар майдонда ғўза парвариш қилиниб, айти пайтда етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фермерларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани ғўза парваришида агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ва мўл ҳосил етиштириш имконини берди.

Жумладан, вилоятда фаолият кўрсатаётган лабораториялар томонидан етарли миқдорда биомасу-

лотлар тайёрланиб, фермер хўжаликлари етказиб берилди. Қўсақ қурти ва ўргимчаккана каби зараркунандалар ва турли касалликларга қарши кимёвий усулда курашиш илмий-амалий ёндашув асосида олиб борилди.

Туманларда ташкил қилинган механизаторлар уйларида дала меҳнаткашлари учун қулай иш ва дам олиш шароити яратилгани ғўза парваришида ғанимат кунлардан унумли фойдаланишда муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз вилоятнинг бир гуруҳ илғор фермер хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари билан мулоқотда бўлди.

Жорий йилда Бўка тумани пахтакорлари 13 минг гектарга яқин майдонда ғўза парвариш қилди. Маҳаллий иқлимга мос, серҳосил ғўза баравж ривожланиб, қийғос очилган.

Учрашувда пахта йиғим-терими ишларининг бориши, такрорий экин экиш ҳолати, вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Бу йилги қурғоқчилик деҳқонларимиз учун ҳақиқий синов бўлди, деди Президентимиз. — Биз ҳосилни етиштириш учун уларга зарур шароитлар яратиб бердик. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда нарх икки баробар оширилди. Жумладан, Тошкент вилоятида бир килограмм пахта учун 1000 сўмдан зиёд пул тўланмоқда.

Давлатимиз раҳбари барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам асосий мақсад халқимиз манфаати эканини, қайси маҳсулот кўпроқ даромад келтирса, ўша экин экилиши зарурлигини таъкидлади.

Манфаатдорлик бўлиши учун қилинган харажатни қоплаб, фойда кўриш керак. Эртанги куни бугундан яхши бўлиши учун ҳар бир одам ўзи ҳаракат қилиши лозим. Бугун ким ютади — интилган ютади, меҳнат қилган ютади, — деди Шавкат Мирзиёев.

"Валихон ота" фермер хўжалигининг 72,6 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, 26 киши меҳнат қилади. Жорий йилда хўжалик галла-

дан 222 миллион сўм даромад олди. 35,6 гектар майдонга экилган пахтадан 300 миллион сўмдан зиёд даромад олишни режалаштирмоқда.

Фермер хўжалигида иккиламчи экин экиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, галладан бўшаган майдонга картошка, сабзавот, дуккакли ва озуқабоп экинлар экилган. Бу 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалиги даласида синовдан ўтказилаётган замонавий пахта териш машинаси билан танишди. Ушбу машина пахтани тоза териши, иш унумдорлиги юқорилиги билан ажралиб туради. Кам харажат талаб қилади.

Президентимиз мулоқот сўнггида соҳага инновацион технологияларни кенгроқ жалб этиш, ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олиш лозимлигини қайд этди.

Учрашувда фермерлар бундай очик мулоқотлар уларга куч-қувват бериб, ғайрат-шижоатини оширишни таъкидлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фуқароларнинг замонавий тиббий хизматларга, дори-дармонлар билан таъминланишига бўлган имкониятларини кенгайтirdи, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самардорлиги яхшиланишига олиб келди.

Ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табobati муҳим аҳамият касб этади, табибларнинг хизматларига аҳолининг турли қатламларида катта эҳтиёж сезилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқ табobati йўналишида кўрсатилаётган тиббий хизматларда назоратнинг етарли даражада эмаслиги, шунингдек, халқ табobatiнинг замонавий тиббиёт тизимида тутган мақоми ва роли хусусида қатор саволлар юзага келмоқда, хусусан:

Биринчидан, халқ табobati хизматлари кўрсатишни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий база яратилмаган, табибларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланмаган, халқ табobati усуллари билан даволовчи шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан давлат назорати амалга оширилмапти;

Иккинчидан, халқ табobati усуллари билан тиббий ёрдам кўрсатувчиларнинг миқозлар соғлиғига зарар етказганлик учун масъулияти белгиланмаган, шунингдек, халқ табobati вакилларининг ҳуқуқларини асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилиш кафолатланмаган;

Давоми 2-бетда →

ДАРОМАДНИНГ ПИРОВАРД НАТИЖАСИНИ КЎРИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА!

Тошкент вилояти фермерлари, вилоят аҳли ва барча меҳнаткашларига

МУРОЖААТ

Азиз дўстлар, кадрдонлар!

Бугун вилоятимизнинг уфққа туташ пахтазорларидаги мўл ҳосил кўзимизни яшнатиб, қалбларга шукроналик ҳиссини солмоқда.

Пахта йиғим-терими айти авж паллага кирган шу ғанимат кунларда муҳтарам Президентимизнинг вилоятимизга ташриф буюриб, биз фермерлар, деҳқону миришкорлар, соҳа мутахассислари билан дилдан мулоқот қилгани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Барчамиз билиб, ҳис этиб турибмиз — пахта етиштириш учун давлатимиз томонидан ҳеч қачон бугунгидек эътибор, амалий қўмак ва рағбат бўлмаган. Бизга йил бошидан минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ўзгармаган, бир хил нархда ўз вақтида етказиб берилди, шунингдек, барча агротехник тадбирлар учун иш ҳақи биринчи маротаба нақд пулда тўлиқ таъминланди.

Қадрли фермер хўжалиги раҳбарлари!

Тошкент — азал-азалдан деҳқончиликда барчага ибрат бўлган вилоятдир. Биз деҳқончилик илмининг бешигини тебратган, соҳада ўзига хос мактаб яратган, "қилни қирқ ёрган", бир сўзга, ориятли бободеҳқонлар издошларимиз.

Ҳозирги шиддатли замонда янгиликка интилган ва инновацион ғояларга суянган давлат ютади ҳамда қудратли бўлади. Ҳаракат қилган одам даромад кўради, ўзи ҳам, оиласи ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайди. Шундай экан, бугунги давр ҳар бир фермердан инновацион ғояларга асосланиб, илғор замонавий технологияларни қўллаган ҳолда юқори даромад олишни тақозо этмоқда.

Зотан, барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асл мақсад ҳам шу — одамларни рози қилиш, уларнинг ҳаёт сифатини оширишдир.

Бу ҳақда гап кетганда, аввало, ўзига, қолаверса, давлатимиз иқтисодига муносиб манфаат келтирган Бекобод туманидаги "Комилжон", "Ўрикзор Абдулазиз Файз", Бўка туманидаги "Салоҳиддин Фарангиз", Пискент туманидаги Довудбек Ҳожиёв, Оққўрғон туманидаги Жасурбек Бойназаров, Юқори Чирчиқ туманидаги "Кавсар замин омад", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Абдували Мухриддин агро" каби кўплаб фермер хўжаликлари номини мамнуният билан тилга олишимиз мумкин. Бу хўжаликларнинг ҳар бири мавсумда биргина пахтачиликнинг ўзидан 250-400 миллион сўмгача даромад кўрганлари меҳнатнинг таги роҳат эканини яққол кўрсатиб турибди.

Қадрли маҳалла раислари, нуроний отахону онахонлар!

Азалдан масъулиятли тадбирларга киришиш, уни муваффақият билан якунига етказишда сизнинг қўллаб-қувватлашингиз бекиёс ўрин тутган.

Ахир халқни ичидагисини биладиган, уларни бир мақсад йўлида бириктирадиган яна ким бор?

Барча аҳолига, кўпни кўрган нуронийларга, дуоғўй отахону кайвони онахонларга, маҳалла оқсоқолларига, фаол хотин-қизлар, уй бекалари ва ғайрати жўш урган ёшларимизга даъват қилайлик, тушунтирайлик — терилган ҳар бир мисқол пахтаимиз иқтисодиётга қўмак, мавсум эса ҳар бир оилага ўз моддий аҳволини яхшилаб олишга энг қулай имкониятдир.

Бу йилги об-ҳаво деҳқонни яна бир синовдан ўтказди, сув кам бўлди, зараркунандаларга қарши қаттиқ кураш амалга оширилди. "Ғалвирни сувдан кўтарадиган" ғанимат кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш фурсати етди. Бундай паллада деҳқоннинг ёнида туриб, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик билан унга мадад бўлайлик.

Мулоҳаза қилинг, терим нархи икки баробар оширилди, қолаверса, нақд пулда, ҳар кун берилиши ҳам ҳақиқат-ку! Фуқароларимизга меҳнат қилиб, ҳалол даромад топишнинг айти мавриди келганлигини етказайлик. Ахир, "Бировнинг бергани — кўргулик, меҳнатнинг бергани — тўйгулик", дейдилар.

Қадрли вилоятдошлар!

Вилоятимиз пахта далаларида ҳали ҳосил мўл. Ҳосилни охири чаноғигача териб олиб, мустақил диёримиз хирмонига барака киритайлик. Ҳар бир теримчининг меҳнатини муносиб қадрлаб, мавсумни кўтаринки ўтказишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этайлик.

Бугунги масъулиятли паллада нималарга қодир эканлигимиз амалда ўз исботини топсин. Зеро, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро мазкур мавсумдан четда қолмасин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрда Тошкент вилоятига ташрифи давомида ўтказилган учрашувда иштирок этган илғор фермерлар ва фахрийлар ташаббуси билан қабул қилинди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ СОҲАСИНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

учинчидан, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табobati ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни бошқаришнинг тартиб ва механизмлари мавжуд эмас;

тўртинчидан, халқ табobati вакиллари, уларнинг тажриба ва иш натижалари, улар кўрсатадиган хизмат турлари ҳақида ва бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи халқ табobati бўйича тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Халқ табobati фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табobatiнинг усуллари ва ютуқларидан самарали ва ҳавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Куйидагилар белгилансин:

халқ табobati аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилади;

халқ табobati усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тиббий фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда (тиббий таълим маълумоти мавжудлиги талаби бундан мустасно) амалга оширилади;

халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар ўз фаолиятининг натижалари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгар ҳисобланадилар; тиббий хизмат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш билан шугулланадиган шахсларга ҳам татбиқ этилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табobati усуллари қўлланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгилувчи ваколатли орган ҳисобланади.

2. Халқ табobati ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида куйидагилар эътироф этилсин:

халқ табobati соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар оқибати учун жавобгарлигини белгиллаш;

халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш таърибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишда онгли равишда танлаш имконини яратиш учун халқ табobatiнинг кўп йиллик қўшимчалари ҳамда амалиётда тасдиқланган ижобий ютуқларини замонавий тиббиётга интеграциялаш орқали унинг салоҳиятидан фойдаланиш;

халқ табobati соҳасида етакчи маҳаллий

ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида халқ табobati мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш.

3. Ўзбекистон Республикасида халқ табobati ривожлантиришнинг устувор чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. К. Шодмонов – ушбу Дастурда назарда тутилган барча тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида халқ табobati тартибга солиш ва янада ривожлантириш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдухакимов – ушбу қарор асосида вазирлик ва идораларга юклатилган вазифаларнинг самарали ва лозим даражада бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича шахсан жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг:

республика тиббиёт олий ўқув юртлирининг "Даволаш иши", "Педиатрия иши", "Тиббиёт-педагогика иши" бакалаврият йўналишларидаги ўқув дастурларига халқ табobati бўйича махсус ўқув циклини жорий этиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида халқ табobati кафедраси ва "Халқ табobati" йўналиши бўйича малака ошириш курсини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ҳафта мuddатда Махсус комиссия таркибини шакллантирсин ва тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига халқ табobati ривожлантириш ва халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш доирасида:

халқ табobati мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкиллаштириш, шунингдек, ўзбек халқ табobatiнинг бой тарихий анъаналари ва ноёб меросини ўрганиш, халқ табobati йўналишларини тизимлаштиришда ташкилий ва услубий ёрдам бўйича чуқур илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

бошқа мамлакатларнинг халқ табobati ифодаловчи таниқли ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2018 йил 15 ноябрга қадар: давлат таълим стандартларининг талаблари асосида халқ табobati бўйича ўқув дастурини;

халқ табobati усулларида фойдаланган

ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишга мўлжалланган биноларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

б) 2018 йил 1 декабрга қадар: халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан, тиббий техникага нисбатан минимал талабларни;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил охирига қадар халқ табobati усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш таъриблари, хизмат кўрсатиш турлари, алоқа ва бошқа маълумотларни қамраб олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш, оммабоп фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтига joyлаштириш, шунингдек, ушбу турдаги ташкилотлар фаолиятини лицензиялаш амалга оширилиши билан базани доимий равишда янгиланиб боришни таъминласин;

г) "Халқ табobati" йўналишини тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига киритсин;

д) икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мунтазам чиқишлар ҳамда мавзули кўрсатув ва эштитиришларни ташкиллаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 октябрь

АДЛИЯ ФАОЛИЯТИ ШАФФОФМИ?

Вилоят адлия бошқармасида ҳар ойда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, матбуотда адлия тизими фаолиятини кенг ёритиш, унинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида учрашув ўтказиш яхши анъанага айланди.

Мулоқот

Учрашувларда адлия фаолиятидаги барча масалалар, ҳуқуқий тарғибот, амалга оширилган ва бажарилиши керак бўлган ишлар таҳлили ўртага ташланмоқда. Навбатдаги учрашувда вилоят адлия бошқармаси бошлигининг

биринчи ўринбосари Жамшид Нуриддинов бажарилаётган ишлар, ижобий натижалар ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида виллоятимиздаги адлия органларига келиб тушган 518 та шикоят, шунингдек, 4 минг 942 та қонунбузилиш ҳолатлари ва мунозаралар тақдирини ҳуқуқий сўз борди. Мулоқот давомида

иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атофлича жавоб олдилар.

Отбек ИСРОИЛОВ

Хабарингиз
борми?

"Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази мутахассислари Тошкентда вақтинчалик пропискани олиш усуллари ҳақида маълумот беришди.

Тошкент шаҳрига вақтинча келувчи фуқаронинг шаҳарда бўлиш мuddати 5 кундан ошмаса рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди.

Агар ушбу мuddат 5 кундан ортиқ бўлиши мўлжалланган бўлса, 5 кун ораллигида вақтинча рўйхатдан ўтиш учун маҳаллий ички ишлар бўлимига ариза берилиши лозим. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларида вақтинчалик ва доимий рўйхатдан ўтиш ҳақида"ги қарориди баён қилинган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига кўра, 2018 йил 1 апрелда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида "Тошкент ва Тошкент вилоятларида рўйхатдан ўтиш" хизмати тест тариқасида ишга туширилди.



Бугунги кунда мамлакатимизда 665 газета ўртача 4 миллион нусхада чоп этилишини инобатга олсак, босма нашрларнинг ўқувчиларни қамраб олиш даражаси анча паст экани ойдинлашади. Ўз навбатида, ушбу ҳолат босма нашрлар, айниқса, туман ва шаҳар газеталари учун иқтисодий жиҳатдан мураккаб вазиятни юзага келтирмоқда.

Хўш, бир томондан интернет журналистика ахборот маконини эгаллаётган, бошқа томондан обуна масаласи тобора оғирлашиб бораётган мана шундай мураккаб шароитда нима қилиш керак? Газеталар ададини қандай қўпайтириш мумкин? Қачонки, газета саҳифаларида ҳудудлардаги долзарб, аҳолини қўйиб қалаётган ёки улар учун ҳам ман-

Интернет тараққий этган айни ахборот замонида Исландияда ҳар минг нафар аҳолига қарийб 796 газета тўғри келади ва бу дунё мамлакатлари орасидаги энг юқори кўрсаткичдир. Бу борада Япония 634 дан зиёд кўрсаткич билан иккинчи ўринни эгаллайди. Осиё китъасининг яна бир вақили – Жанубий Кореяда эса ҳар минг ўқувчига қарийб 450 газета тўғри келади. Хўш, Ўзбекистонда-чи?

фаатли бўлган мавзулар очик-ойдин ёритилса, мавжуд муаммолар юзасидан таҳлилий-танқидий материаллар мунтазам бериб боришса, шу билан бирга, фаолиятга ёндашуви ўзгартириб, бозор тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, маркетинг ишлари тўғри йўлга қўйилсагина газеталар адади ортади. Бу эса босма нашрларнинг иқтисодий жиҳатдан мураккаб бўлишини таъминлайди.


Қибрай туманидаги "Дўрмон" ижод уйида виллоятдаги босма нашрлар муҳаррирлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, соҳа мутахас-

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Беларусь давлатлари ўртасида ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати, сайёҳлик, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, электротехника соҳаларидаги алоқалар кўндан кўнга ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон-Беларусь:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Вилоятимизда юз очмоқда



Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги ҳамкорликда аниқ мақсадларга йўналтирилган лойиҳалар юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон-Беларусь бизнес форуми доирасида бир қатор келишувлар имзоланганди. Шунга мувофиқ, Тошкент вилояти қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи С. Шерматов ва Савдо-саноат палатаси виллоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ф. Маманов раҳбарлигидаги тадбиркорлар делегацияси Беларусь Республикасига ташриф буюришди ҳамда имзоланган келишувлар доирасида музокаралар давом эттирилди.

Маълумки, Беларусь Республикаси сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан биридир. Бугунги кунда экспорт қилинаётган сут маҳсулотларининг ўндан бир қисми Беларусь Республикаси ҳиссасига тўғри келмоқда.

Минск шаҳридаги "Минский молочный завод №1" ОАЖ 1929 йилда ташкил этилган. Бугун заводда кўнма 900 тонна сут қайта ишланиб, 250 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 40 фоизидан ортиғи Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия, Молдова ва Хитойга экспорт қилинади.

Ҳамкорлик доирасида ушбу завод билан виллоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси, Савдо-саноат палатаси виллоят ҳудудий бошқармаси ва "Шарқ агро" фермер ҳўжалиғи ўртасида Тошкент виллоятда сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда болалар озуқаларини ишлаб чиқариш бўйича шартнома имзоланди.

Беларусь Республикасидаги "Белвитунифарм" ОАЖ чорва ҳайвонлари учун вакцина ва препаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда корхонада 420 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Бу вакцина ва препаратлар қўшни давлатларга экспорт қилинади. Маълумки, Ўзбекистонда бугунги кунда чорва моллари учун турли вакциналар импорт қилинмоқда. Мазкур корхона билан "Бўстонлик Фарм" эркин иқтисодий фармацевтика зонасида чорва учун вакцина ва препаратлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш режалаштирилган.

"Белвитунифарм" ОАЖ раҳбари С. А. Большаков виллоятимизга ташриф буюриб, қўшма корхона ташкил этиш масалаларида музокара олиб борди ҳамда "Бўстонлик Фарм" эркин иқтисодий фармацевтика зонасини бориб кўрди.

Шунингдек, Тошкент виллояти делегацияси Несвижж районидagi "Агрокомбинат Снов" қишлоқ ҳўжалиғи ишлаб чиқариш кооперативи фаолияти билан танишди.

Агрокомбинатда ҳар йили 26 минг тонна гўшт ва 29 минг тонна сут ишлаб чиқарилади ҳамда ушбу маҳсулотлар асосида 350 дан ортиқ гўшт ва 20 дан ортиқ сут маҳсулотлари тайёрланади. Корхона кўнма 240 тонна озуқа тайёрловчи технологик ускуналар билан таъминланган, 200 дан ортиқ техникага эга. Чорва ҳайвонлари замонавий типдаги фермаларда боқилади, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўлиқ қайта ишланади. Чорва учун озуқа ишлаб чиқариш, гўшт ва сутни қайта ишлаш корхоналари мавжуд. Корхонада 2 мингдан ортиқ ишчи бор.

Тошкент виллояти қишлоқ ҳўжалиғи бошқармаси билан "Агрокомбинат Снов" ўртасида насли қорамол етказиб бериш ҳамда зоотехник ва ветеринар каби мутахассисларни малака оширишга юбориш юзасидан ҳам келишувга эришилди.

Ҳамкорлик доирасида, шунингдек, "Белкоопсоюз" истеъмолчилар жамияти билан виллоятимизда ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан музокаралар олиб борилади. Маълумки, Беларусда боғдорчилик ва полиз маҳсулотлари асосан импорт қилинади. Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини Беларусь Республикасига экспорт қилишда эса катта имкониятлар мавжуд.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарувчи ва хорижий импортёр (истеъмолчи) ўртасида ўзаро манфаатларга асосланган муносабатларни ривожлантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий истеъмолчиларга тақлиф қилиш эмас, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқаришни хорижий импортёр талабларидан келиб чиқиб ташкил этиш муҳим вазифадир.

"Белкоопсоюз" бошқаруви раиси ўринбосари И. Л. Короткевичнинг Ўзбекистонга ташрифи давомида мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш масаласида музокаралар олиб борилади. Жўмладан, "Белкоопсоюз" иштирокида Ўзбекистонда қўшма корхона ташкил этиш масалалари қўриб чиқилмоқда.

Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон ва Беларусь Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатларга асосланган муносабатлар янги босқинга кўтарилмоқда.

Ўз мухбиримиз

газетасига
обуна
бошланди!

ХУДУДИЙ БОСМА НАШРЛАР:

МУАММО ВА ЕЧИМ

зимли ишлар амалга оширилаётгани, соҳани ривожлантиришга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилингани таъкидланди. Айни пайтда соҳада обуна, моддий-техник база ва кадрлар билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлигига эътибор қаратилди.

Амалий машғулотда "Худудий босма нашрларнинг бугунги ҳолати: ме-нежмент ва маркетинг йўналишларидаги муаммолар ва уларни яхшилаш бўйича тақлифлар", "Худудий нашрларда ахборот тайёрлаш – контент масаласи", "Журналист текширувни олиб бориш босқичлари ва та-моийиллари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинар якунида тахририятларни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, газеталарни мазмунан бойитиш, савияни ва ўқишлигини ошириш, журналистларнинг касб малакасини юксалтириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, ишти-рокчилар ўзларини қизиқтирган бар-ча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, тил таълими, унинг хусусиятлари, матбуотда, китобларда тилнинг аҳоли, расмий идораларда ҳужжатларнинг давлат тилидаги ижроси, она тили йўналишида олиб борилган илмий ишлар хусусида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирига филология фанлари доктори, профессор Бахтиёр МЕНГЛИЕВ куйидагиларни сўзлаб берди:

учун курашилмоғи лозим. Давлат тилининг қайси жиҳатларига ижтимоий эҳтиёж ва давр талаби кучли бўлса, ўша жиҳатларига эътиборни кучайтириш керак.

Матбуотда, китобларда тилнинг аянчи аҳоли ўзбек тилининг ахборот-коммуникация соҳалари тилига айланолмаётганлиги билан боғлиқ. Дунё миқёсида ёзма матнлардаги саводсизлиқни бартараф этишда ахборот технология-

вазифасининг ноль даражада эканлиги билан боғлиқ.

Маълумки, қонун у тартибга соладиган ҳодиса ва муносабатлардаги бузилишларнинг олдини олиш учун ишлаб чиқилади. Қонуннинг ижтимоий аҳамиятини ошириш жазо чораларини қўлловчи қонун ости ҳужжатлари билан мустаҳкамланади. Ана шу ҳужжатлар бўлмаганлиги сабабли давлат тили ҳақидаги қонунга амал қилинмайди. У ҳеч кимга ҳеч қандай зиён етказмайдиган қилиб яратилган.

Хуллас, қонун ости ҳужжатлари

қурининг ўсиш даражасими?

Она тили таълими ҳараёнида асосий диққатни ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг маъно но-зикликлари, фарқ ва ўхшашликларини ҳис қилиш ва англаб етиш, беҳато талаффуз қилиш ва ёзиш, сўзларни боғлаб гап, гаплардан эса матн туза олиш, бирикмалардаги маъновий ва грамматик, матндаги мантиқий ҳатоликларни топиш ва тузатиш, ўзгалар фикрини тўғри аңлаш, бир фикрни турли шаклда ифодалаш, узилган фикрнинг давомини

мат қилиши, ўқувчининг мияси зинҳор самарасиз лингвистик қоида ва идрок тил қурилишига доир машқлар билан банд қилиб қўйилмаслиги мақсадга мувофиқ.

Хуллас, давр она тили дарсликларидан ёшларимизга тил қурилиши ҳақидаги билимни эмас, балки том маънода она тили имкониятини эгаллаш механизми ва усуллари беришни тақозо қилмоқда.

– Бугун она тили йўналишида илмий ишлар қай аҳволда? Изланишлар қайси талаблар асосида олиб боришмоқда? Бугунги кунда қимматли илмий даража қайси йўналишдаги ишлари учун берилаётми?

– Ўзбек тилшунослиги бўйича ҳозирги тадқиқотларда кўп ҳолларда амалий аҳамиятсиз, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий самарадан ҳоли, фақат "тил ўзида", "тилшунослик илмий даражалар учун" тамойиллари асосида иш қўрилади. Бу аксарият тадқиқотларнинг аллақачонлар эскириб кетган андо-за ва ўтмишда қолган талаблар асосида амалга оширилаётганлигидан

илмий ишлар давлат буюртмаси асосида эмас, балки фақат тадқиқотчилар ташаббуси билан, асосан, илмий даража олиш мақсадида олиб борилар, фан харажатлари ҳам аслида аниқ ва табиий фанларга ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланганлиги сир эмас. Бугунги кунда мақсадли талаб ва таклиф муносабатига эътибор қаратмайдиган социалистик тилшунослик фани тўла-тўқис инкирозга юз тутди, дейиш мумкин. Аниқроғи, алмисокдан қолган мақсад ва фойдасиз вазифалар асосида иш қўраётган, натижаларини истеъмолчилар сўрамаётган "жонсиз" ва амалий татбиқсиз мазмундаги тилшунослик фани тўлиқ боқиманда соҳага айланиб қолган десак, муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам химояга қўйилган диссертацияларга ОАК томонидан билдирилаётган асосий ва ҳақли эътироз – улар натижаларининг, юмшоқроқ айтганда, амалиётга татбиқ этилмаганлиги (аслида татбиқ этиб бўлмаслигидир). Хатто янги йўналишлар сифатида қаралувчи, аслида Фарбга тақлид руҳидаги социолингвистика, "гуркираб ривожланаётган", когнитив тилшунослик, лингвокультулогия соҳалари ҳам ижтимоий тараққиёт учун қай даражада аҳамиятли эканлигини, тилини ёки ундан фойдаланишни қанчалик такомиллаштириш ҳақида озгина ўйлаб қўриш уларнинг моҳиятини аңглашга етарли.

Ҳар қандай тадқиқот бевосита ёки билвосита ё ўрганиш объектини, ёки ундан фойдаланишни такомиллаштириш билан шугулланади. Шу маънода тилшуносликдаги анъанавий лугатшунослик соҳаси билан боғлиқ ишлар, гарчи санокли бўлса-да, таҳсинга лойиқ, албатта.

Тилшунослик ўтган асрда шахс саводхонлиги учун лингвистик база тайёрлаш мақсадида таълимий йўналишда ривожланган бўлса, XXI асрда унинг компьютер "саводхонлиги", яъни компьютернинг табиий тилини "эгаллаш" учун математик моделлаштиришга, шахс маънавияти ва маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган замин ҳозирлаши жуда зарур. Шу маънода ўзбек тилшунослиги (математик) моделлаштирувчилар, гиперлексикология мутахассислари, маънавий-маърифий тузилмалар томонидан бериладиган тизимли буюртмаларни кутиб қолмоқда.

Информацион технологиялар учун ўзбек тилининг лингвистик базасини яратиш ёки тил ва маънавият ахлитлиги ҳақида гап кетар экан, маънавий-маърифий фаолият самардорлиги учун зарур тилшунослик тадқиқотлариға тегишли муассасалардан ҳануз бирорта ҳам буюртма берилгани йўқ десак, хато бўлмайди. Ҳолбуки, янги асрда фақат амалий татбиққа эга, натижаларини истеъмолчилар сўрайдиган ва уларга ижтимоий-иқтисодий самара тақдир этидиган тилшунослик ўз кучи билан яшашга ҳақли.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

ДАВЛАТ ТИЛИ МАСАЛАСИ – СЕРҚИРРА ҲОДИСА



лари инсоннинг энг яқин кўмақдошига айланиб улгурди. Биз эса ҳануз эски ҳаммоллардаги эски тослардан фойдаланамиз.

Глобаллашув асрида тилларнинг яшаб қолиши кўпроқ ахборот-коммуникациялари соҳасида, интернет тизимида қўлланиш даражаси билан боғлиқ. Қайси тил интернет тили эмас экан, бу тилларнинг рўпарасида ўлим хавфи тураверади.

Интернет компьютер технологияларига таянади. Компьютер лингвистикасида "компьютернинг тилини таниши" деган тушунча бор. Агар компьютер тилини "танир" экан, тилнинг компьютер тили, интернет тили эканлиги ҳақида сўз юритиш тўғри бўлади.

Компьютер тилини "таниши" учун у бу тилини билиши, ўзлаштирган бўлиши зарур.

Компьютернинг матндаги ҳатолари тузатиши, матни қайта ишлаши, таржима қилиши, аннотациялаши, тилни ўргатиши, транслитерация қилиши, тил ифодаларини таснифлаши, тартиблаши, бирор тилда гапириши, ёзиши унинг тилини таниши асосида амалга оширилади. Умуман олганда, сунъий интеллектнинг муйайн тил асосида иш қўриши, тилнинг сунъий интеллектнинг тўла маънодаги мулоқот воситасига айланиши унинг тилини "билиши" ва "таниши" асосида содир бўлади. Ҳали сунъий интеллект ўзбек тилини танимайди.

Хуллас, энди шахс билан бирга, компьютернинг ҳам ўзбек тилидан саводини чиқармас эканми, муаммомиз кучайиб бораверади.

Бугунги кунда расмий идораларда ўзбек тилида иш юритиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Айниқса, вазирлик ва ундан юқори органларда зарурат бўлмаса ҳам (зарурат деганда, халқро муносабатлар назарда тутилади), рус тилида иш юритиш урфдан қолмаган. Бу давлат тили ҳақидаги қонун ижтимоий муносабатларни тартибга солиш

қонуннинг филдираклари ҳисобланади. Филдираклар йўқ экан, қонун "юрмайдми". Давлат тили ҳақидаги қонунимиз ана шундай филдиракларсиз автомобилга ўхшайди.

Ўзбек тилининг фақат ёзма меъёрлари мавжуд ва у ҳам ўтган асрнинг 50-йилларида яратилган ва жонли ҳаётдан узилиб қолган. Натижада, бу меъёрларга амал қилиш жуда суст даражада. Тил меъёрлари бўйича амалий тавсия берадиган тадқиқот олиб бориш масаласи тилшуносликнинг аллақачонлар "эсидан чиқиб кетган".

Янги давр масалага янгича ёндашуви талаб қилмоқда. Маълумки, ҳар қандай молиялаш унинг қандай самара беришини мўлжал қилган ҳолда амалга оширилади. Ҳўш, бугунги кунда она тили таълимининг самараси ўқувчининг олган лингвистик билимми ёки она тили имкониятларини эгаллаш ва мустақил тафак-

тиклаш каби қатор мантиқий операцияларни бажариш, нутқ вазиятини тўғри баҳолаш ва тил имкониятларидан унга мос равишда фойдаланиш қўникмаларини шакллантириш ва малакасини ўстиришга қаратиш зарур. Ўқувчиға мана шу амалиёт учун керак бўлган айрим фонетик, лексик ва грамматик қоидаларнигина бериш, фикрни ифодалаш ва аңлашнинг турли механизми ва усуллари, уларни турли нутқ шароитига мос равишда қўллаш йўллари тавсия этиш, бунга асосланган машқ ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш, нотикик ва маданий нутқ машгулотларига эътиборни кучайтириш зарур. Демак, том маънодаги замонавий таълимда тилшуносликнинг илмий масалаларига доир қоидалар кескин қисқартирилиб, унча чуқурлаштирилмаган лингвистик маълумотлар тафаккур ва нутқ ўстириш амалиёти "сояс"ида бўлиши ва унга хиз-

ҳам маълум.

Муаммо аломатлари куйидагиларда кўзга ташланади: тилшунослик доирасидаги давлат илмий тадқиқот грантларига даъвогар ҳар қандай аънавий мавзудаги лойиҳани долзарблигидан қатъи назар, ўзаро шахсий ёки бошқа муносабатлар асосида тўла маъқуллаш ёки осонгина рад этиш мумкин; аниқ, табиий, иқтисодий фанлар бўйича янги талаблар асосида диссертация ҳимояларига кенг йўл бўлгани ҳолда, тилшунослик соҳасида қўллаб сунъий чеклов ва уларни "айланиб ўтиш" имконияти мавжудлиги;

лингвистик йўналишда тайёрланган ва химояга қўйилган ҳар қандай диссертацияни субъектив асосда, сифати ва аҳамиятидан қатъи назар, истоганча юқори баҳолаш ёки хоҳланча чиплака чиқариш мумкин.

Муаммо сабаби шундаки, собиқ тузум даврида тилшунослик бўйича

Баҳром Холдоров раҳбарлик қилиб келаётган вилоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти аъзоларининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган, яқка-ёлғиз қариялар, кўп болали оилалар, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, бундай тоифадаги

Нишондорларимиз

Инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва ҳолис ёрдам кўрсатиш сингари эзгу тушунчалар борки, уларга амал қилиб яшовчи кишилар эл орасида ҳамisha алоҳида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлишган.

ЯХШИЛИК ДУНЁНИ АСРАЙДИ

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ушбу нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий фаолият йўналишидир.

Бугунги кунда жамият фақат аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий кўмак кўрсатибгина қолмай, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларга кўмаклашиш ва ҳамкорлик қилиш, таълим соҳасига инновацион технологияларни татбиқ этиш, ўқув юрталарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маиший ҳаёти ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган умумхалқ ҳаракатида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Албатта, бундай эзгу ишларни амалга оширишни мақсад қилган ташкилот раҳбари ҳам шу талабларга жавоб бе-

радиған, бошқача айтганда, ўзгаларнинг ташвишини ўзиникидек қабул қила оладиган, қалби дарё, меҳрибон, айна вақтда катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши керак.

– Фаолиятимиз доирасида турли тоифадаги инсонлар билан мулоқотда бўламиз, уларнинг муаммоларини ўрганишимиз, баъзан ташвишларини ҳам ўртоқлашишга тўғри

келади, – дейди Б. Холдоров. – Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийларни жалб этиб, уларга кўмак кўрсатганимизда ёки бирон-бир ёрдамимиз текканда қалбимиз ёришиб кетади.

Дарҳақиқат, "Ижтимоий ҳимоя" жамиятининг биргина 2017-2018 йиллар давомидаги фаолияти кўп нарсадан дарак беради. Эътибор беринг, ўтган йили 175 миллион сўмлик турли хайрия ишлари амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида ана шу мақсадларга 383 миллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди. 13 нафар муҳтож фуқарога 178 миллион 917 минг сўмлик эндопротез, кўз ва юрак операцияларини бошидан ўтказган ва бошқа касалликлар билан оғриган 27 нафар беморга 49 миллион

сўмлик дори-дармон етказиб берилди. Шунингдек, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларда иштирок этиш мақсадида жами 136 миллион 223 минг сўмлик ҳомийлик амалга оширилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Чиноз, Пискент, Паркент, Зангиота, Бўка, Қибрай, Бўстонлиқ ва Янгийўл туманлари ҳамда Ангрен шаҳридаги 150 дан ортиқ ёлғиз кексалар, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга салкам 176 миллион сўмлик кўмак берилди. 40 нафар муҳтожга ногиронлик аравачаларини олиб бериш ва беш нафар фуқарога мураккаб жаррохлик операцияларини ўтказиш учун 106 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бундай хайрли ишлар йўлидаги факт ва рақамларни ана қўллаб келтириш мумкин. Энг муҳими, бундай эзгу ишлар химояга муҳтож қалбларни қувончга тўлдириб, дардиға малҳам бўлмоқда.

Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлида қилинган ишлар бесамар қолмайди. Яқинда Президентимизнинг фармониға мувофиқ, Баҳром Холдоров самарали ва фидокорона меҳнати учун "Шухрат" медали билан тақдирланди.

– Камтарона меҳнатларим юксак мукофотиға муносиб қўрилганидан қалбим қувончға тўлди, – дейди Б. Холдоров. – Бу нафақат меннинг, балки, жамоамиз аъзоларининг эзгулиқ йўлида олиб бораётган фаолиятининг юксак эътирофи, деб қабул қилдик. Келгусида ҳам ишларимизни янада изчил давом эттириб, эҳтиёжманд оилалар ва меҳрга муҳтож инсонларнинг қалбини нурафшон эттаверамиз.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Юзма-юз

Оҳангарон шаҳрида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикаси кўни муносабати билан вилоят суди раислари ва аҳоли ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Оҳангарон саноат касб-хунар коллежида ташкил этилган тадбирда вилоят, туман ва шаҳар жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича суд раислари ва судьялари ҳамда маҳалла вакиллари, жамоатчилик фаоллари иштирок этишди.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ

борасида ҳар бир фуқаро ўз масъуллигини аңлаши лозим

Унда вилоят суди раислари томонидан жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, учрашувда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, жамоат тартиби ва ҳавфсизлиги, мулкчиликни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш самардорлигини таъминлайдиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ягона кўп поғонали тизимини йўлга қўйиш мақсада комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Очик мулоқот шаклида ташкил этилган учрашувда таъкидланганидек, бугунги кунда суд тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг кескин қайишишда муҳим ўрин тутмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш Ҳаракатлар стратегиясида ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шу маънода, фуқароларга суд ишлари юзасидан ахборот бериш, интерактив хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. Ҳар 3 ойда судлар томонидан брифинглар ташкил этилиб, фуқаролар соҳадаги янгиликлардан хабардор қилиб боришмоқда.

Учрашувда 27 июль кўни Президентимиз раислигида ўтказилган жиноят-

чиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, хусусан, ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги топшириқлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

– Жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчиликнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга, – дейди Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Дилшод Тожибоев. – Шу боис, биринчи навбатда, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши лозим. Бу борада суд тизими ходимлари аҳоли билан яқиндан алоқа ўрнатишлари зарур. Эндиликда шу каби учрашувларда вилоят суди раислари томонидан аҳолини қийнаётган муаммолар синчиклаб ўрганилади. Уларга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилади.

– Жойларда аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказиш, уларнинг дарди ва таклифларини тинглаш, муаммоларини қонун доирасида адолатли ҳал этиш мақсадида сайёр судлар бўйича режа-жадвал белгиланган, – дейди Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси Олимжон Исмоилов. – Ҳар ойда бир маротаба вилоят суди раислари шаҳар ва туманларда мана шундай учрашувлар ўтказмоқдамиз. Бу одамларда суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш билан бирга, бизни халққа янада яқинлаштирмоқда.

Мулоқотда суд раислари йиғилганларга қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда жамоат тартибининг сақлаш, жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этишининг аҳамияти қанчалик муҳимлигини ҳаётий мисоллар воситасида тушунтириб беришди. Шунингдек, учрашувда фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар билан вилоят суди раисларига мурожаат қилишди. Улар томонидан ҳар бир саволга батафсил жавоб қайтарилди.

– Қўшимчанинг олти нафар фарзанди бор, – дейди "Бўстон" маҳалласидан Зоҳида Алматова. – Оила бошлиғи ишсиз. Ичкиликка берилгани боис, арзимаган сабабларни баҳона қилиб, жанжал кўтарди. Биз бу оилда жиноят содир бўлмаса эди, деган хавотир билан яшаймиз. Қўшни аёл жуда сабрли, у оиласини сақлаб қолиш тарафдори. Лекин, маҳалладагилар эрининг доимий бақир-қақуру жанжалларидан безор бўлишган. Бу оилани тинч яшатиш учун кўп ҳаракат қилдик. Фойдаси бўлмапти. Шу муаммонинг ечимини ҳақида бугун суд раисларидан тегишли маслаҳатларни олдик.

Аҳоли муносабатларида асосан, меросни бўлишолмаслик, уй-жой олди-сотдиси, оилавий низоларни ҳал этиш, фарзандликка олиш масалалари кўтарилди. Учрашувда ҳеч бир савол жавобсиз қолдирилмади.

Абдуусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Мавсум

Ўрта Чирчиқ туманининг Янги турмуш ҳудудидаги "Кўтарма" маҳалласида бу йилги пахта йиғим-терими мавсуми ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ўтмоқда.

ЭЛ ЮКИНИ КЎТАРАЁТГАН КЎТАРМАЛИКЛАР



Куннинг қоқ ярмида "Ўқтам ота" фермер хўжалиги пахтазорларида борганимизда, кўтармалик теримчилар аллақачон бир прицеп хирмонни уйиб, иккинчисига ўтишибди. Суриштирсак, 568-отряд теримчилари бир кунда 12-13 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритишган экан.

Отрядимизга "Ўқтам ота", "Саркор Асқар" ҳамда "Зилола Райхон" фермер хўжаликлари пахтазорлари бириктирилган, дейди 568-отряд раҳбари, "Кўтарма" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳадиша Саматова. Маҳалламизда жами 2 минг 480 киши ис-

тикомат қилади. Фермерларимиз чорловига "Лаббай!" дея пахтазорга отланган теримчилар салкам икки юз кишини ташкил этади. Терим пуллари ҳар кун дала-нинг ўзида етказилапти.

Мавсум бошидан буён кунига 150-170 килограммдан пахта тераяпмиз, дейди кўтармалик Каромат Назиралиева табассум билан. Бу оилавий бюджетимизга катта ёрдам бўлаяпти. Қаранг, қандоқ яхши: кунига 100 килограмм пахта терган кишининг қўлида юз минг сўм пул нақд-да! Бошида дангасалик қилаётган кўни-қўшниларимиз ҳам бизга ҳавас қилиб теримга чиқишяпти. Асли-

да, юрагида ўти борнинг жойи бугун пахтазорда.

Терган пахталарини тарозига олиб чиққанлар учун қайноқ чой ва энгил нонушта дала бошида шай турибди. Тушликда кўтармалик ошпаз акамиз Камолиддин Қамбаров тайёрлаган мазали таомлардан қувват олган теримчилар кучга тўлиб, яна пахтазорга шошилмоқдалар. Марҳамат Турсунова, Раҳима Душабоева, Гулнора Жўраева сингари илгор теримчилар кунига 100 килограммдан ошириб пахта теришмоқда.

Отабек ИСРОИЛОВ
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат

ИСМИ ЖИСМИГА
ЯРАШГАН ФЕРМЕР

Бугунги қаҳрамонларимиз Куйи Чирчиқ туманидаги "Даврон-Қаҳрамон" фермер хўжалигида жавлон уриб пахта тераётган "Гала-ботир" маҳалласининг бир гуруҳ ташаббускор аёлларидир.

Фермеримиз Илгор Абдураимовнинг ишбилармонлиги, тадбиркор деҳқон эканлигини тумандошларимиз яхши билишади, дейди уч фарзанднинг онаси Илтижон Холбекова. Чамандек очилиб турган, лўппи-лўппи пахталарни кўриб, кўзингиз қувнайди. Бунга озмунча меҳнат сарфланмаган, ахир?! Уни чаноғида қолдирмай териб олиш ҳар биримизнинг виждон ишимиз бўлиши керак. Қолаверса, биз теримчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Иш ҳақимиз ҳам вақтида, дала-нинг ўзида, ҳар килограммига 1000 – 1 минг 150 сўмдан тўлаб берилаяпти. Оиламизнинг моддий таъминоти-га ҳиссам қўшилаётганидан мамнунман.

Бугун 100 килограммдан ошириб, пахта терибман, дейди қувониб Зиёдахон Маматқулова. Уч фарзандим бор. Ҳозир уйда улар тарбияси билан бандман. Шу сабабли, мен учун мавсумий иш қулай. Қолаверса, "Даврон-Қаҳрамон" фермер хўжалигида пахта териш жуда мароқли. Ҳар кун меҳнатимиз қадрини ҳис қилиб, уйга қайтаман. Оиламиз фаровонлигини таъминлаётган

ганимат кунларни бекор ўтказмаслик мен каби уй бекалари учун катта имкониятдир.

Туманимиздаги 700 гектарли Улуғбек ҳудудида 31 та фермер хўжалиги мавжуд, дейди ҳудуд раҳбари Комилжон Қобилов. Улар орасида шартнома режасини биринчилардан бўлиб бажарган хўжалик раҳбари Илгор Абдураимов, дарҳақиқат, энг илгор фермерларимиздан. 40 гектар майдондан 106 тонна "оқ олтин" топириб, туманимиз пахта хирмонига баракали ҳисса қўшди.

Яна 15-20 тонна пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни мўлжаллаб турибмиз, дейди хўжалик раҳбари Илгор Абдураимов. Албатта, бунда ташаббускор теримчиларимизнинг мадади катта бўлаяпти. Биз ҳам уларнинг кўнглини топишга ҳаракат қилаёلمиз. Режани бажарган кунимиз пахтакорларни рағбатлантириш мақсадида совға-саломлар тарқатдик... Тушликка палов даламдик. Ахир, завқли меҳнатнинг роҳати ҳам бўлиши керак-да...

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

Ҳамма бало шу телефон кургурдан чиқади. Тўппа-тўғри ёзишбди, – деди Лаъли опа хулоса ўрнида.

Орадан кўп ўтмай, Носиржоннинг "Ким бўлсам экан?" деган саволига газетадан жавоб топилди. Нилуфар қайнисига уйлари-га яқин, қулай шароитларга эга ўқув курсида ўқиш билан бирга, ишга жойлашиши мумкинлиги ҳақида маслаҳат бериб янглишмади.

Айни пишиқчилик пайтида кишлоқ учун маҳсулотлар тайёрлашга киришган Нилуфар қайнисининг билан газетадан ўрганиб, мураббо ёпишди.

Бугун ишдан барвақт келган Миросломнинг қўлида негадир газеталар кўринмади. Бунга одатланмаган Нилуфар ниманидир йўқотиб қўйгандек, эрига савол назари билан боқаркан: "Газета-журналлар билан келишни унутдингизми?" – деди.

Мирослом эса мийғида кулиб: "Бошқа газеталардан ортса, сен ҳам ўқирсан", – дея қўли билан ишора қилди. Йўлакда эса қўлида бир даста газета тутганга кўзойнагини сўроқлаётган Лаъли опа кўринди...

Аллома АЗИЗОВА

ҚАДИМИЙ АРХЕОЛОГИК
ЁДГОРЛИКЛАР ТОПИЛДИ

Оҳангарон тумани ҳудудидан миллодий дастлабки асрга оид ноёб археологик ёдгорликлар – тегирмон тоши, катта хум ва бир неча кўза топилди.

Ҳайрат

Маълумотларга кўра, туманининг Қорахитой қишлоғида намунали турар-жойлар барпо этиш бўйича олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари жараёнида қувчилар томонидан кўплаб ана шундай тарихий буюмлар топилган. Бу ҳақда хабар топган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг моддий-маданий мерос объектларини хатловдан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи кишлоққа келди.



Партия вилоят кенгашидан маълум қилишларича, археолог Сервер Аширов бошчилигида барча гуруҳ аъзолари зудлик билан қазиш ишларига киришилган. Натижада, бўйи 120, диаметри 232 сантиметр бўлган катта хумдон, бир неча кичик кўза ва тегирмон тоши топилган.

Тегирмон тошлари миллодий биринчи асрда ихтиро қилиниб, хўжаликда қўлланила бошлаган, дейди археолог С. Аширов. – Сопол хум ва кўзаларнинг қора ангор (сирлаш) қилиниши ҳам шу даврга бориб тақалади. Шундан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкинки, ушбу тегирмон тоши, хум ва кўзалар қарийб икки минг йиллик тарихга эга.

Қадимда донни турли кемирувчилардан асраш мақсадида фойдаланилган катта хум, дон янишида қўлланилган тегирмон тоши ва бошқа топилма буюмлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Яхё Ғуломов номидаги археологик тадқиқотлар институтига топширилади.

Ў.А.

Нилуфар овқати қайнаб чиққунча бекор турмай деб, газета ўқишга тутинди. Уй бекалари учун маслаҳатларни берилиб ўқиётганидан қайнонаси кирганини ҳам сезмай қолди.

Оббо, яна газета ўқия-сизми? Қачон қарамай, шу ахвол. Яна қайтариб айтаман, менга ўқимишли келин керакмас! Аёл кишининг қозон-товок, бола-чақага ўралашгани тузук. Ўқиб шаҳар олиб берармидингиз?

Вой, ойижон-ей, нега ундай дейсиз? Газетода айнан сиз айтган "Рўзгор мактаби" ҳам бор-да, ўқиб берайми? – вазиятни юмшатмоқчи бўлди келин. Чунки ҳар сафар қайнонасидан дакки эшитганда хафа бўлавериб фойда топмади.

Кўп бошимни қотирманг. Бўладиган ишни қилинг. Ундан кўра, кечагидек ширин пишир-ликлар тайёрланг.

Ўша ширинликни ҳам газетода берилган рецепт асосида пиширгандим. Яхши чиқди-ку, ойижон.

Лаъли опа яна нимадир демоқчи бўлди-ю, индамади. Нилуфар қол-лежни битирганининг иккинчи йили ҳам олийгоҳга киролмади. Бу пайтда эшигидан совчилар аримай қолганди. Ота-онаси Лаъли опанинг:

"Ўзимиз ўқитамиз", деган ваъдаларига ишониб, тўйга розилик беришганди. Тақдир деганлари шу бўлса керак-да.

Нилуфар оқила келин бўлди. Уйдаги гапни кўчага олиб чиқмайд-

ТАРБИЯ
МАКТАБИ

Шанба мутолааси

ган, чаққон, тили ширин, пазанда келиннинг биргина "нуқсон"и кўп китоб ва газета ўқиши эди.

Нилуфар мавридини топиб, қайнонасига: "Телефондан чиққан можабро" мақоласини ўқиб берди. Мақолада ёшлар, хусусан, янги оила қурган келинлар уяли телефонда ҳудуд-беҳудга сўзлашиб, турмушлари дарз кетаётгани ҳақида ёзилганди.

Ангрён шаҳар ҳокимлиги эътиборига!

Ангрён бозорини беш кўлдай биладиганлар ҳам, уни аранг топиши турган гап. Боиси, икки йил аввал бузиб ташланган бозор ҳали-ҳамон тиклангани йўқ. Режа бўйича янги бозор Наврўз байрамига яқин очилиши айтилганди. Бироқ, бир йил ўтди ҳамки, ишлар ўлда-жўлда...

ЯНГИСИНИ ҚУРМАЙ,
ЭСКИСИНИ БУЗДИК

...Манзарани тасвирлаб беришга ҳаракат қиламиз: бир четда овқатланиш учун мўлжалланган кичкинагина чойхона, унинг ташқарисида эса кабоб пиширилади. Бу ерда кийим-кечак сотадиган аёл унинг тутунига кўникиб улгурган, шу қаторда усти очик ширинликлар савдоси ҳам чаққон. Бозордан керак нарсани излаб

топиш учун анча вақт сарфлашга тўғри келади. Киш кунларидаги ноқулайликлар, байрамлардаги тирбандликларни-ку, айтмасан ҳам бўлади! Кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари аралаш жойлашган. Камига, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган расталар ёнги-насида парранда бозори! Автомобиллар серкатнов йўлнинг ёқаси-



да бир неча гўшт маҳсулотлари расталари бор. Бу ер доим хари-дорлар билан гажум. Бироқ, усти очик ҳолда сотиладиган гўштнинг сифати ким кафолат беради?

Озиқ-овқат харид қилаётган дўконингиз қаршида пичоқ, қайчи ўткирлашади, ундан чиқа-диган овоз ва ёқимсиз ҳидга бора-бора кўникасиз ҳам...

Мабодо, бозорнинг ўнқир-чўнқирларида пойбазалингиз йиртил-гудек бўлса, хавотирланманг –

Маънавият

Маълумотларга кўра, юртимизда 350 га яқин нон ва нон маҳсулотлари тайёрланади. Хоразм, Самарқанд ҳамда Наманган вилоятлари тандир нонларининг довуруғи бутун дунёга маълуми машҳур.

Ўтган асрнинг охириги йилларида тадбиркорлар Самарқанд нонларини бошқа ҳудудларда ҳам тайёрламоқчи бўлишди. Лекин, бу ҳаракатлар самарасиз бўлди. Шунга ўхшаб, Ўзбекистонда етиштирилаётган қовун, тарвуз, узум каби маҳсулотларни бошқа юртларда ҳам экиш, етиштириш бўйича ҳаракат бўлмаган дейсизми?



Она табиатнинг бизга берган инъоми, унумдор тупроқ, қуёш нури, шифобахш сув тўғрили нонларимиз мазали, мева-сабзавотларимиз ширин.

Аммо, "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ", деганларидек, бу бебаҳо бойликларимизни қадрлай олаёلمизми? Очиги, бугўйдан бўшаган ерларга ўт қўйиш, полиз маҳсулотлари пўчоқларини, ҳатто, нон қолдиқларини ахлат қутиларга ташлаш – бу тўқлиққа шўхлик эмасми? Ёшларга исрофгарчиликнинг оқибати хорлик ҳамда зорлик эканлигини нега тушунтирмаймиз?

Ахир, ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлиги, миллий қадриятлар ривожини таъминлайдиган, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас масканларимиз, табиий бойликларимизга бўлган муносабатимизда билинмайдими?

Бугун дунёдаги ҳар бир мамлакатда энг долзарб масала озиқ-овқат хавфсизлиги бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай давлат, аввало, мана шу хавфсизлиқни таъминлаш экан, унинг келажаги хавф остида қолади.

Маълумотларга қараганда, ҳар 15 дақиқада дунёнинг у ёқда бу бурчада бир инсон айнан очликдан вафот этмоқда.

Хўш, биздачи, ҳозир халқимизнинг ижтимоий ҳаётини қандай ўзгаришлар кўзга ташланмоқда? Аввало, тўқинчилик ва мўл-кўлчилик. Бозорларни

Моҳира ҲОЖИЕВА,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари

Бошланиши 1-бетда

Bolalik bog'i

KAFTDAGI
KAPALAK

Bir yosh qiz donishmandni sinamoqchi bo'ldi. Ikki kafi orasiga kapalakni berkitib olib, donishmanddan: "Hovuchim ichida bitta kapalak bor, tirikmi yo o'lik?" deb so'radi.

O'lik desa, kapalakni uchradi, tirik desa, hovuchi bilan qisib, o'ldiradi: donishmand nima desa ham aksini bajarishga ahd qildi. Qiz g'olibona yopiq qo'l-larini qariya tomon yaqin-lashtirdi. Donishmand javob bermay, uzoq vaqt qarab turdi-da, shunday dedi: "Tirigi ham, o'ligi ham sening qo'llaringda, qizim!"

Мардона ЗОКИРОВА,
Республика Ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
11 279 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва оператор Т. Маҳмуджоев томонидан сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Навбатчи
Абдусалим МАҲМУДОВ
Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА